121

O`zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo`rg`on shahar
**HOKIMI**

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Каттақўрғон шаҳар
**ҲОКИМИ**

O`zbekiston Respublikasi Samarqand viloyati Kattaqo`rg`on shahri

№ 456-Ф

«17» июн 2014 йил

# QAROR

***"Каттақўрғон шаҳар А. Темур кўчаси атрофида хаммом қуриш учун ер ажратиб бериш ҳақида"***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54-сон "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида, вилоят ҳокимининг 2014 йил 21 февралдаги 02/2-191 рақамли баённомасини ижросини таъминлаш мақсадида Каттақўрғон шаҳар Қозоқовул кўчасида яшовчи Даминова Фароғатни аризасини инобатга олиб

## ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия далолатномаси тасдиклансин.

2. Каттақўрғон шаҳар бош режасига асосан Қозоқовул кўчасида яшовчи Даминова Фароғатга, "А. Темур" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги А. Темур кўчаси атрофида 400, 0 кв.метр ер майдонида хаммом қуриб атрофида ободонлаштириш ишларини бажаришга рухсат берилсин.

3. Белгиланган тартибда келишилган лойиха-смета ҳужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида қуриш учун ҳужжатларни расмийлаштириш ушбу карор объектни қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос хисобланади.

4. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш, бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган ҳолда, шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими ҳамда Каттақўрғон шаҳар хўжалик хисобидаги "Ер тузиш ва кўчмас кадастр" хизмати давлат унитар корхонаси зиммасига юклатилсин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосари М.Б.Бабаев ҳамда шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими зиммаларига юклатилсин.

**Шаҳар ҳокими** **Ш.Ж.Рахмонов**